

Молиявий заифликлар харитасини ишлаб чиқиш методологияси

Р. Махаммадиев, У. Джуманазаров, Ш. Маҳмудов

Ушбу мақоладаги қарашлар муаллифларнинг шахсий фикр ва мулоҳазалари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий позицияси билан мос келмаслиги мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мақола мазмунига жавобгарлик олмайди. Тақдим қилинган материалларни ҳар қандай услубда қайта ишлатиш фақатгина муаллифлар рухсати билан амалга оширилади.

Аннотация

Ушбу мақолада катта ҳажмдаги маълумотларни ранглар мисолида тушунарли тасвирлашга хизмат қиладиган ҳамда молия тизимидаги заифликларни кўрсатадиган иссиқлик харитаси ёритилган. Мазкур заифликлар харитасида ранглар орқали кўрсатиладиган заифликлар даражасини абсолют маънода талқин қилинмаслиги, аксинча танланган кўрсаткичнинг тарихий бенчмарклари билан солиштириш ҳамда тизимли хатарлар тўпланишидан огоҳлантиришда фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратилган. Мазкур мақола молия тизимидаги хатарларни мунтазам таҳлил қилиб бориш тизимини такомиллаштириш мақсадида тайёрланган.

Таянч сўзлар: CoVaR, банк тизими, функция, квантил, рентабеллик, регрессия, хатар.

Молиявий заифликлар харитасини ишлаб чиқиш методологияси

Молия тизимидаги заифликларни кўрсатувчи иссиқлик харитаси (heatmap)¹ катта ҳажмдаги маълумотларни ранглар мисолида тушунарли тасвирлашга хизмат қилади. Кўрсаткичлардаги рангларнинг яшилдан қизил томонга ўзгариши заифликларнинг кучайиб боришини англатади. Ушбу хаританинг нисбатан соддалиги ва тушунарлилиги молия тизимидаги хатарларни мунтазам таҳлил қилиб боришга ва ўз вақтида макропруденциал сиёсат чора-тадбирларини амалга ошириш учун кўмаклашишга хизмат қилади.

Қайд этиш жоизки, ранглар орқали кўрсатиладиган заифликлар даражаси мутлақ (абсолют) маънода талқин қилинмаслиги, балки танланган кўрсаткичнинг тарихий бенчмарклари билан солиштириш ҳамда тизимли хатарлар тўпланишидан огоҳлантиришда фойдаланиш лозим.

Молия тизимидаги хатарларни мониторинг қилишда қўлланиладиган ушбу восита Arbatli ва Johansen (2017) томонидан фойдаланилган методология асосида ишлаб чиқилди. Молиявий заифликлар харитасини тузиш учун дастлаб кўрсаткичлар учун маълум даврий оралиқ танланади. Шундан сўнг, кўрсаткичлар тўплами қуйидаги эмпирик йиғилган тақсимот функцияси ёрдамида стандартлаштирилган кўринишга келтирилади:

$$z_t = F_N(x_t) = \begin{cases} \frac{r}{N}, & \text{агар } x^r \leq x_t < x^{r+1}, r = 1, 2, \dots, N - 1 \\ 1, & \text{агар } x_t \geq x^N \end{cases}$$

Бу ерда, x^N – индикатор тўпланининг энг катта қиймати, x^1 – индикатор тўпланининг энг кичик қиймати, z_t – индикаторнинг стандартлаштирилган қиймати, r – ўсиш тартибида жойлаштирилган индикаторнинг тартиб рақами, N – индикатор тўплами элементлари сони.

Ҳар бир кўрсаткичнинг минимал ва максимал чегараси (0,1] оралиғига жойлашади. Сўнгра, стандартлаштирилган кўрсаткичлар

¹ Arbatli, E., & Johansen, R. (2017). A Heat Map for Monitoring Systemic Risk in Norway. Norges Bank staff memo 10.

ранглар кўринишида акс эттирилади. Бунда, яшилдан қизил ранггача бўлган градация – молиявий заифликларнинг ортиб боришини ифодалайди.